



## ЗЕБУННИСОБЕГИМ ВА МОҲЛАРОЙИМ НОДИРА ШЕЪРИЯТИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ

*Каримова Сафия Расуловна,*

*СамДЧТИ катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди*

**Калим сўзлар:** тасаввуф, сўфиёна, ваҳдат, руҳ, комиллик, ҳикмат, ахлоқ, охират, фақирлик, фоний, ислом дини, калом илми, девон, назм, ҳамд, наът, уммат, ақида, ҳидоят, эътиқод, ташибеҳ.

Бобурийлар сулоласидан бўлган истеъдодли шоира, маърифатпарвар ҳамда олима Зебуннисобегим ижоди, унинг бадий маҳоратига йўғрилган ижтимоий-ғоявий дунёқарашларининг барча кирралари рўй-рост ва ҳаққоний таҳлил этиб берилгани йўқ. Айниқса, шоиранинг динга, хусусан, нақшбандийлик тарикати ҳамда унинг тасаввуфий - ирфоний қарашлар талқинига бўлган муносабатлари четлаб ўтилди.

Зебуннисобегим ижодида лирик шеърлар билан бир қаторда тасаввуфий мазмунга эга мисралар ҳам учраб туради. Тасаввуф ғояларининг ифодасида Яссавий, Боқирғоний, Бедил, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур кабиларнинг таъсирини кузатиш мумкин.

Шарқшунос Е.Э. Бертельс, тасаввуф адабиётини ўрганмай туриб мусулмон шарқи маданий ҳаётини идрок қилиш мушкул эканини ёзган эди.

XI-XV асрларда яратилган тасаввуфий асарлардагидек сўфиёна ғоялар кенг акс этмаса-да, Зебуннисобегим тасаввуфий дунёқарашини шу оҳангдаги асарлари орқали белгилаш мумкин. У ўзининг замонаси кишиси сифатида бу йўналишда маълум фикрларни баён қилган. Баъзи мисралардаги тасаввуф талқинлари анчагина пишиқ.

Шоира шеърларида тасаввуф таълимотидаги ваҳдул вужуд ғояси кўп тилга олинади. Зебуннисобегим қаламга олган ваҳдоният тўғрисида манбаларда тасаввуфий истилоҳ сифатида, ваҳдат – бирлик, яккалик, ёлғизлик деб изоҳланади. “Ҳақиқий маънода бир воҳид Ҳақдир”. Ваҳдати вужуд тасаввуфдаги назария бўлиб, унга кўра Аллоҳдан

ташқари бирор борлик мавжуд эмас. Ҳақ таоло инсонни ўз нафасидан яратган. Инсон руҳи асосида Ҳақнинг нафаси бор. Шу руҳ моддий оламда яшаб такомил босқичларини босиб ўтгандагина руҳийлик яратилган вақтдаги аслий софлигига қайтади.

Зебуннисобегим қаламга олган “ваҳдоният дарёси” куйидагича таърифланади: “Дарёи ваҳдат: Бирлик денгизи. Зоти кибриёнинг тажалли этиши”. Ҳақ таоло Одамни яратиб, барча мавжудотлардан шарифи мукаррам қилди. Шоира Зебуннисобегим инсоннинг жаннатда яшагани ва ерга туширилгани ҳақида сўз юритиб, “неча карда ҳижоб уқболардин” - неча минг олам ичидан келганини айтади. Манбаларда келтирилишича: ваҳдати вужуд: ирода ва мушоҳадада бўлганидек, борлик жихатидан ҳам бирлик қабул қилинган бу босқичда Аллоҳдан ташқари бирон борлиқнинг ҳақиқатда мавжуд эмаслиги тан олинган.

Инсон икки асосдан – тан ва руҳдан ташкил топган. Шоира бир шеърда инсоннинг ерда яшаши буюрилганини айтиб ўтади:

Тамоми мартабам аълодан аъло эрди андоқким,

Аносиру арбаа аднога мундоқ эргашиб келдим [57-б].

Аносиру арбаа – тўрт унсур: сув, тупроқ, ҳаво, олов. Адно – энг арзимас, тубан. Ушбу жисмлардан яралган одам Ҳақнинг қудрати билан аъло мартабага эга бўлди. Ҳақ таоло барча фаришталарни одамга мусаллам бўлишга буюрди. Унга фақат шайтон бўйсунмади. Кейинги



байтга эътибор берайлик: Ғазоли ишратим бирла тараб – айшим лиқо эрди ,

Бўлиб қисмат чунин андоқ манозилдан тушиб келдим [57б].

Тараб – айш – шодлик, хуррамлик; лиқо – кўриниш, манозил – бу ерда Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдаги осуда ҳаётлари назарда тутилмоқда. Ҳақ таоло Одам Ато ва Момо Ҳавони Шайтон ўз йўлига оғдарганидан сўнг жаннатдан ерга тушишни буюрган эди. Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида қуйидаги оят бор: “Бас, уларни Шайтон йўлдан оздириб масканларидан чиқарди ва: “Тушингиз (жаннатдан ерга) (сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача ерда маскан тутиб яшайсиз” [Бақара. 2.36]. Кўринадики,

Зебуннисобегим ғазалида инсоннинг қандай яралгани, инсонийлик моҳияти ва ҳақиқати тўғрисидаги масалаларни кўйган.

“Дейдурман” радибли ғазал ҳам шоиранинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашларининг давомидир. Лирик “мен” ҳар қандай овоз ва ҳар бир ҳуснда Ҳақнинг жамолини кўради :

На ун келса қулоғима, садойи ёр дейдурман,

На тарзи ҳусн кўрсам, ул руҳи дилдор дейдурман [58-б].

Оламдаги барча ашёларда Ҳақ жамоли зоҳир бўлади. Ҳар бир инсонда Ҳақнинг зарраси бор. Инсон ўзини бошқа оламлар орқали билади. Ҳадисда ҳам шундай келтирилади: “Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак”.

Инсоннинг яшашдан муроди комиллик экан, бу даражага у аввало покиза ахлоқ орқали эришади. Ҳақ йўлига кирган инсон эса, бедору хушёр – кўнгил кўзи очик, ғафлатдан йироқ бўлади. Зебуннисобегим қатор асарларида одамларни ғофил бўлмай, атрофидаги воқеалардан огоҳ бўлишга чақиради. Ғазалларида ахлоқий мавзунинг акс этиши ҳам Зебуннисобегим ижоди учун характерли. Инсон ўз-ўзини англаши

кераклигини қуйидаги байтда тарғиб қилади:

Қило, огоҳ бўлгил, чашми тарларни тамошо қил,

Ҳама сармаст ўздин – беҳабарларни тамошо қил [55-б].

Одамларнинг кўзлари ёш, баъзилари дунёвий лаззатлардан сармаст, не ҳолда эканликларини англамайдилар. Уларнинг кўзлари кўр, қулоқлари қар. Бундай маънавий инқирозлар ҳалокатга олиб боради. Шоира мол-дунёга меҳр қўйган “ дил ҳажар” – бағритош, “шери нарлар” ни танқид қилади. Унинг фикрича, ақл-идрокли кишилар яхшилар билан суҳбатда бўлади, вақтини ғанимат билади, ўткинчи нарсалар кетидан қувмайди.

Ўзин билган кишига соати суҳбат ғаниматдир,

Агар идрокин ўлса раҳгузарларни тамошо қил [55-б].

Зебуннисонинг айрим ғазалларида Яссавий ҳикматлари таъсирини сезиш мумкин. Бу муштараклик шундаки, ҳар икки шоир ижодида ҳам инсоннинг ички маънавий олами камолоти асосий ўринда туради. Инсон камолотида камтарлик, камсуқумлик, фақирлик муҳимдир. Бу ғазилатлар кўпчилик сўфий шоирлар қаламида тавсиф ва тарғиб этилган. Яссавий ҳикматларида, Зебуннисобегим ғазалларида бу мавзу анча кенг ўрин олган. Зебуннисобегимнинг “Бўл” радибли ғазалида шу сингари комил ахлоқ масалалари кўтарилган:

Қачон дунёга келдинг, халқ аро расвои олам бўл,

Ғариблар остонида итидин доимо кам бўл [50-б].

Шарқ шеърлятида ит хоксорлик, садоқат тимсолидир. Шоира ғазал матласида ғариб, бечоралар остонасида ҳатто итидан ҳам кам бўлишни, такаббур бўлмасликни образли ифодалайди. Яссавий эса “Уммат бўлсанг ғарибларга тобе бўлгил”,- деб ғарибликнинг инсонлар учун бир нажот йўли эканини баён этади. “Ғариб инсон” яссавийликда комил инсонга муқобил келади.

Ҳокисорлик, ўзини тупроқсифат билиш, фақирлик инсон қалбида ўзгаларга



шафқат, меҳр – мурувватни тарбиялайди. Ўзини Ҳақ олдида ожиз, нотавон ҳис этиш, худого бўлган мусалламлик Зебуннисобегим диний мавзудаги шеърларининг мағзини ташкил қилади.

Инсон яшар экан, ҳаётини ибратли ва мазмунли ўтказиши керак, нафсу ҳавога берилмай яшамоғи лозим, деган хулоса илгари сурилади. Нафс парварлик, бузук маишат одамни ғофил қилади. Шу боис шоир огоҳликка чақиради :

Ўтарлар барқдек билсанг агар хою хавасларким,

Эгил укбо ғаминким ўлгунингча дийдаси ҳам бўл [51-б].

Ғазалнинг сўнги байтида шоира хаста, бечораларга ёрдам беришга, “хастаю бечораю афтодаларни” кўрган заҳот дардига дармон бўлишга чақиради.

Зебуннисобегимнинг диний-тасаввуфий шеърлари ахлоқий-дидактик мазмунга эга. Нафсни енгиш, салбий кусур ва феълларни ташлаб, маънан билиш, ҳақ йўлида самимий тоат-ибодат қилиш, Ҳақ ишқи билан яшаш каби масалалар Зебуннисобегим шеърларида кўзга ташланиб туради.

Охиратни унутмаслик, сўнги кунини ўйлаш, ғариб, бечораларга меҳр-шафқат кўрсатиш кўнги кўзи очик кишиларга хос. Чиндан ҳам, “юзак хушбахтлик, илдизсиз қувонч, сохта интилишларга кўникиш, буларга бефарқ қараш ижтимоий ҳаёт, одамлар ахлоқи учунгинамас шеъриятда ҳам кони зиёнدير”. Зебуннисобегим эътирофича, қанчадан-қанча шоҳлар давру даврон суриб ўтган бўлсалар-да, жаҳон лаззатлари уларга доимий қолгани йўқ. Охиратни ёдда тутиш инсонни такаббурликдан, манманликдан қайтаради, мол-дунёга ортиқча ҳирс кўйиш, дунёпарастлик бефойда, аксинча, зиён эканини эслатади. Шоира таъкидлайдики, агар энг юқори мартабаларга эга бўлсанг-да, “ҳафт осмонга етса бошинг” барибир Ҳақ олдида бандасан. Шунинг учун Иброҳим Адҳам сингари “ўздан кечиш” зарур. Иброҳим Адҳам тожу тахт, молу мулкдан кечиб ҳақ йўлини тутган сўфий. Унинг тимсоли адабиётда фақирлик, фоний нарсалардан

дилни хориж қилиш – мосуволикнинг рамзи бўлиб келади. Қуйидаги байт мазмун ва ғояси жиҳатидан Яссавий ҳикматларига ҳамоҳанг, ўхшаш жиҳатлари кўп. Эътибор қилайлик:

Аё Махфий, қаридинг яхшилар доманин ушлаб,

Тур эмди, қочмагил бошингни юз минг тепса ҳам дам бўл [31-б].

Юқоридаги мисраларда яхшилар орқасидан эргашиб, уларнинг қошидан кетмаслик, уларнинг назаридан қолмаслик тарғиб қилинади.

Зебуннисобегимнинг издошима-маслакдоши XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутган энг кўзга кўринган шоиралардан бири Моҳларойим Нодира дунёқарашининг такомиллида ўзи мансуб бўлган ислом дунёсининг маънавий таъсири катта. Шоира девонида Аллоҳ таоло, пайғамбар алайҳиссалом бетакрор бадиият билан васф этилади. Тарихий образлар теран мазмун мутаносиблигида талқин қилинади. Бу шоиранинг калом илмини, ислом дини ва миллатимиз тарихини чуқур билганидан далолат беради. Назмни қуръоний мавзу ва поэтик талқин билан бойитиш Шарқ адабиётига хос анъана бўлиб, Нодира шеърияти ҳам бундан мустасно эмас. Шоиранинг ҳамд, наът мавзусидаги ғазаллари теран маъно ва гўзал бадиий шакл уйғунлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Девон тартиб берар экан, у мавжуд анъанага мувофиқ дебочани ҳамд ва наътлар билан бошлайди. Ўзбек ва форсий тилдаги ғазаллари ғам ҳамд ва наътлар билан бошланади. Маълумки, наът ғазал деб Муҳаммад пайғамбар мақтовига бағишланган ғазалларга айтилади [Воҳидов, 1994:208]. Нодира ижодиётидаги наът шеърлар ҳам асосан, васф, меърожнома ва шафоат-фаҳрия мазмунида. Уларда Муҳаммад пайғамбарнинг сўнги пайғамбар эканлиги, олам у туфайли яратилганлиги, қиёмат кунда пайғамбар шафоати боис умматларининг барча гуноҳлари кечирилиши оҳорли мазмун ва бетакрор ташбеҳлар воситасида ифодаланади.



Жумладан, дебечада Тангри хамдидан кейин куйидаги форсий байтлар келтирилган:

Аҳмадки, хабиби Ҳақ таолост  
Кавнайн зи нури ў хувайдост.  
Аз зулмати маъсият чи бок аст,  
Хуршиди жамоли ў мужаллост.

**Мазмуни:**

Аҳмад (Муҳаммад) Ҳақ таолонинг дўстидир,

Икки олам унинг нуридан намоёндыр.

Гуноҳлар зулматидан не кўрқинч бўлсин,

Ахир (Муҳаммад пайғамбар) жамолининг қуёши порлаган-ку!

Мана бу ўзбекча мисралар ҳам коинот сарвари наътида Нодиранинг ўзига хос назм намуналарини яратгани исботидир:

Муҳаммадким, набилар хотамидур,  
Бисоти ламъи Аллоҳ маҳраמידур.  
Агар ҳар кимсаким табъият айлар,  
Саодатнинг савоби аъзамидур  
[Нодира-Комила, 2001: 18].

Иккала шеър моҳиятан бир-бирини тўлдиреди. Биринчисида Нодира Муҳаммад алайҳиссалом Ҳақ таолонинг хабиби, икки олам унинг нуридан пайдо бўлган, унинг жамоли қуёшдек ҳамма ерни ёритиб турганда, маъсият қоронғилигидан кўрқинчга ўрин қолмайди, деб расули акрамни улуғлайди. Шоира бу ўринда дастлаб ислом дини ақидасига кўра, олам Муҳаммад пайғамбар туфайли яратилгани, унга уммат бўлиш нечоғлик шарафли экани, Расули акрамнинг қиёмат кунда ўз умматларига шафеълиги, жумладан, Нодира ҳам ўша умматлар қаторида шафоатдан умидворлиги ифодаланади. Кейинги шеърда эса, Муҳаммад айҳиссаломнинг “набийлар хотами” – охирги пайғамбар экани, инсониятни тўғри йўлга бошловчи, саодатга етакловчи эканлиги, унга табъият айлаган, яъни унга эргашганлар савоби аъзамга ноил бўлиши бадий талқин этилган.

Муножот ғазалдан олинган мана бу байтда Муҳаммад пайғамбарнинг қиёмат кунда ўз умматларининг гуноҳини Тангридан сўровчи шафеълиги билан

боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган. Унга кўра, Нодира ўзининг гуноҳкор эканлигини айтиб, Яратгандан Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаққи ҳурмати бандалари, жумладан, ўз гуноҳларини кечиришни сўрайди:

Ё раб, ба ҳаққи Аҳмади Мухтору оли ў,

Бахшой чурми банда ба алтофи Кибриё.

**Мазмуни:**

Эй Худо, Аҳмади Мухторнинг уруғ-аймоғлари ҳаққи,

Кибриёлик лутфинг билан бандаларинг гуноҳини кечир.

Қуйидаги иқтибосда эса, Муҳаммад пайғамбар икки дунёда ҳам қўлловчи подшоҳ, ҳидоят сари етакловчи каби сифатлар билан васф этилган.

Туи дар ҳар ду олам дастгирам,  
Дилу жонам фидоят, ё Муҳаммад.

Ба мулки офариниш подшоҳй,  
Бувад шоҳон гадоят, ё Муҳаммад

Бувад халқи жаҳон мамнуни масрур,

Зи эҳсони атоят, ё Муҳаммад.

Мунаввар гашта хуршеди ҳидоят,  
Ба бутҳо аз сафоят, ё Муҳаммад.

Туи бадри олий, ки жо дар чашму дил бош,

Ки шуд ин ду жоят, ё Муҳаммад.

**Мазмуни:**

Сенсан икки оламда қўллагувчим,  
Дилу жоним фидойингдир, ё Муҳаммад.

Бу борлиқ мулкига подшоҳсан,  
Шоҳлар сенинг гадойингдир, ё Муҳаммад

Сенинг эҳсону мурувватингдан Бутун жаҳон халқи мамнун ва масрурдир, ё Муҳаммад.

Ҳидоятинг қуёши туфайли мунаввар бўлган санамлар ҳам

Нури назарингдан бебаҳра қолмади, ё Муҳаммад.

Сен тўлин ойдирсан, ҳам дилимдан, ҳам кўзимдан жой олдинг

Ҳар иккови сенинг жойингдир, ё Муҳаммад.

Моҳларойим ижодида хулафои рошидин васфига бағишланган шеърлар



кўп бўлмаса-да, уларнинг фазилати, ислом дини ривожигадаги хизматлари васф этилган мисраларни учратиш мумкин. Масалан, мана бу рубоийда дастлабки тўрт халифа – исломнинг илк даврларида Абу Бакирнинг Муҳаммад алайҳиссаломга ҳамроҳлик қилиб, мушриклардан қочиб ғорга яшириниш воқеаси, ҳазрати Умарнинг одиллиги, Усмон ва Алиларнинг динни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари тасвирланган:

Эрди Бубақр ёри ғор анга,  
Умар адл этти устувор анга,  
Қилди Усмон чароғидин равшан,  
Муртазо эрди дўствор анга.

Умуман, Нодиранинг наът ва манқабат шеърларида умуммусулмон адабиётига хос тарзда Муҳаммад пайғамбарнинг фазилатлари, яқинларининг ислом тамаддуни юксалишидаги

хизматлари ўзига хос пафос ҳамда оҳорли ташбеҳлар воситасида ифодаланган.

Шоира ҳамду наътлари унинг дунёқараши, эътиқодини ифодалаганини таъкидлаш керак. Бу мазмундаги шеърлар, хусусан, наътларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатлари, фазилатлари васф этилади, чорёрлар улуғланади. Муҳими, Нодира ана шу туркумдаги анъанавий шеърларида ҳам ўзига хос талқинларни беришга интилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон шаклланиб борар экан, у комиллик поғоналарига покиза ахлоқ ва ҳақиқий ишқ орқали кўтарилади. Хусусан, Зебуннисобегим ва унинг издоши Мохларойим Нодира салоҳиятли ижодкор бўлиш билан бирга, илми ирфон соҳиби – валий зот эканига унинг асарларини чуқур ва атрофлича ўрганиш жараёнида амин бўлиш мумкин.

#### Адабиётлар

1. Комилов Н. Тасаввуф.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.- 448 б.
2. Куръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси.-Тошкент: Ислон университети нашриёти, 2001.-619 б.
3. Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари.-Тошкент: Маънавият, 1998. – 62 б.
4. Нодира. Девон . – Тошкент : Фан, 1963. -621 б.

*Каримова С. Интерпретация мистических и религиозных взглядов в поэтике Зебуннисобегим и Мохларойим Нодирабегим. Статья исследует божественные, религиозно-мистические взгляды в творчестве талантливой поэтессы, учёной и просветительницы Зебуннисобегим, жившей во второй половине 17 века и являющейся потомком династии Бобуридов, а также её последователя и единомышленника – поэтессы Мохларойим Нодирабегим, жившей и творившей в первой половине 19 века.*

*Karimova S. The interpretation of mystic and religious views in the poetics of Zebunnisobegim and Mohlaroyim Nodirabegim. The article investigates spiritual, religious-mystic views in the works of the talented poetess, scientist and enlightener Zebunnisobegim, who lived in the second half of the 17<sup>th</sup> century and who related to Bobur's dynasty as well as view of her follower, like-minded poetess Mohlaroyim Nodirabegim, who lived and wrote in the first half of the 19<sup>th</sup> century.*